

Шодия ХТАЕВА:


**ХАЁТДАГИ
АРТИСТЛАРДАН
КЎРҚИШ КЕРАК!**



4

**АЁЛЛАР ФАОЛ,
ТАДБИРКОР БЎЛСА...**

5



6

ИККИ ЙЎЛ ОРАСИДА

**КЎЗОЙНАК
КЎЗНИ АСРАЙДИМИ?**

8



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Назира БОЙМУРОДОВА
сурат-лавҳаси.

Кутлаймиз!



Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган “Эски шаҳар” маҳалласига йўлингиз тушса, беихтиёр тарих ва бугуннинг муштарак уйғунлигини ҳис этасиз. Кўҳна кўчалар ва замонавий иморатлар файзи кўз олдингизда намоён бўлади. Бу ерда миллий урфодатлар, бетакрор анъаналар бор бўйи билан сақланиб келмоқда. Маҳаллада мингдан ортиқ оила мавжуд. Бу ерда истиқомат қилаётган олти ярим мингдан зиёд аҳолининг мөхр-оқибатличилигига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Куни кеча матбуотда эълон қилинган Президентимиз Фармониغا биноан “Эски шаҳар” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Иноят Абдусаттова фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳалларда маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги фидойи хизматлари учун “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди.

(Давоми 3-бетда)

ҲИКМАТ

Энг катта хато одам ўзини ҳамма нарсада бениқсон деб билишидир.

КАРЛЕЙЛ

ИСТИҚБОЛГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бошқарувининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилишида кўмитанинг олти ойлик фаолияти кенг таҳлил этилди ва истиқболда хотин-қизлар ҳаётини янада яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш борасида кўмита тизимида янги гоя ва ташаббусларни тадбиқ этиш борасида вазифалар белгилаб олинди.

Тегишли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этган йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира

Боситхонова бошқарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизлар кўмитаси тизимида ислохотлар ва янги лойиҳаларни амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида кўмитада таълим-тарбия муассасалари, маҳаллалар, вазирилик ва идо-



ралар, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда аёллар бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш, қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри шакллантириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида янги ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш, фермер хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар натижасида 248617 та янги иш ўринлари яратилди. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан тадбиркор хотин-қизларга 322 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Жумладан, "Микрокредитбанк" томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН ҚИЗЛАР КЎМИТАСИДА

ривожлантиришга 27,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, 12093 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда тегишли банк-молия тузилмалари ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга аёлларнинг иқтисодий

биланини ошириш, тадбиркорликка оид илғор гоя ва ташаббусларини ҳаётга кенг татбиқ этиш юзасидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кўмита ташаббуси билан БМТнинг Аёллар тузилмаси (UNWOMEN) билан ҳамкорликда "Микрокредитбанк" кўмағида амалга оширилаётган "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш лойиҳаси" кишлоқ аёлларининг тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириш, даромад келтирадиган режалар тузишларига, гуруҳ кафиллигида кредитлар олишларига, шу орқали оилани иқтисодий жиҳатдан яхшилаш ва аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашмоқда. Ушбу жараёнда 500 нафардан ортиқ кишлоқ аёллари билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказилган ва улардан 400 нафари саралаб олинди, семинар-тренинглари жалб этил-

ган ва уларнинг иқтисодий билимлари оширилган. Натижада "Микрокредитбанк" ОАТБ томонидан 247 нафар аёлга гуруҳ кафиллиги асосида умумий миқдор 507.600.000 сўм микрокредитлар ажратилган. Жамиятда соғлом турмуш тарзи гояларини тарғиб этиш, аёллар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар соғлигини асраш, уларни ихтисослаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада чақалоқларнинг турли касалликлар билан туғилиши, қизларни эрта турмушга узатиш яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар сони камаймоқда.

Умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган ўқувчиларни ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, касб-хунарга йўналтириш жараёни доимий таҳлил этиб борилмоқда. Учраётган айрим муаммолар хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фаоллари, педагоглар, ота-оналар, психологлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамкорлигида ҳал этилмоқда.

Йиғилишда "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама этилди.

Ўз мухбиримиз.



Рискулой момони Бекпўлат отага узатишганда у ҳали рўзгорнинг пасту баландини яхши билмасди. Оилада катта қиз бўлгани учун онасининг ўрнига далага борар, эрта кетиб, кеч қайтарди. Шу боис онаси уни рўзгор ишларига ундайвермасди. Келин бўлиб тушган жойида қайнонасининг уддабурон ва меҳрибонлиги асқотди. Ховли супуришдан тортиб, тандир, ўчоқ билан тиллашишни ўргангунча бир йил вақт кетди. Рискулой рўзгор юмушларини ҳам, дала ишларини ҳам бирдек "тиндирадиган" бўлди ва унга қайнонаси "раис" деган ном берди. Суюги меҳнатда қотган, меҳри оилага ботган Рискулой ая мана 55 йилдирки, Бекпўлат ота билан умргузаронлик қилиб келмоқда.

— Сиз яхши, биз яхши, деган гапни кўп такрорлайман, — дейди Рискулой момо Паизова. — Бир оиланинг бунёд бўлиши учун йиллар чигиригидан ўтиш кераклигини кексалар яхши билади. Ўша кезларда аёлларнинг қадри йўқ экани, дейман-да... Беш ўғил уч кизни дунёга келтириб, чилламиз чиқмаганига ҳам қарамай, далага жўнашимизни тайинлашарди. Чақалоғимизни биғиллатиб йиғлатиб қўйиб, кетмон кўтариб кетаверардик. Қайнонам азамат аёл эдилар. Барча боламни мендан зиёда боқиб, тарбияладилар. Бекпўлат ака туманда таъминот бўлимида ишларди. Топганимиз болаларнинг таълим олиши, ебичишига етарди ҳолос. Болангиз улгайса, у билан бирга қорни ҳам, усти боши, ташвишлари ҳам улгайаркан. Ўғилларим бирин-кетин институтга ўқишга киришди. Улар шаҳарда қийналмасин, муҳтожликдан бировининг

қўлига боқмасин деб топганимизни кўз қорачигидек сақлаб, хафтани охирини кутиб ўтирардик. Институтни тамомлаганини уйлантириб қўяверардик. Келинларимга қайнонали келин қарқара келин, деб уқтирганман. Яратганга шукрки, болаларимнинг барчаси уйли-жойли, илмли, зиёли бўлишди. Қизларим Гулнора, Гулчехра, Дилфузаларга киз бола тушган уйининг ўчоғига айланиши керак, деб

бўлганлар, бизга ҳам дуо беринг, келинларимизни сиздек суюб юрайлик, дейишади. Шунча йилдирки, бирови юзимга қараб гап қайтармади, кўз тегмасин. Ўзим ҳам қайнонаман демайман саксонга сакраётган бўлсамда, юмушларига қарашиб, етмаганига енг бўлиб, тотувликда дугонадек яшаб келмоқдамиз. Келинларимни ақли расолигидан ўғилларим мамнун. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл

МАҲАЛЛА ФАЙЗИ

тайинлардим. Худойимга минг шукрки, бирортасининг ортидан ноҳўя гап-сўз эшитмадик. Аксинча, тарбия берган отасига раҳмат, дейишганида, бошим осмонга етди. Келинларимни келин дейишга тилим бормайди. Умида, Чирой, Зоҳида, Машхура ва Малика бирам сариштали, меҳр-оқибатли, барака топишин. Ҳар бирининг ўз фазилати бор. Баъзан танимаган одамлар даврасида меҳмон бўлсак, мени кўрсатиб, катта овсингизми, деб сўрашаркан. Кетар чоғимиз сиримиздан воқиф

2013 йил — Обод турмуш йили



очилгани менинг фарзандларимга ҳам қўллаб имкониятлар берди. Болаларимга эҳтиёжманд оилаларга кўмак беришини тайинлаб, ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, дея уқтирдим. Шундан бўлса керак, пиру ба-

давлат бўлиб яшаймиз. Атрофимизда 32 нафар неварга, 11 нафар чеварамиз парвона. Энди навбат уларни узатишга келди. Ўғилларим ҳам, келинларим ҳам совчиларни менинг остонамга юборишади. Чол-кампир иккаламиз шундай дориларом кунларга етганимиз учун Яратганга шукрона айтиб яшаймиз.

Рискулой момо ва Бекпўлат отани Куйичирчик тумани, Дўстобод шаҳридаги 1-сонли "Ишчилар" маҳалла фуқаролар йиғинида катта-ю кичик бирдек ҳурмат қилиб, "Улар маҳалламизнинг фойзи", дейишади.

— Ота-онанг — давлатинг, деб бежизга айтишмаган, — дейди маҳалла раиси Асан Куртбединов. — Бу хонадон маҳалламизнинг энг ибратли оилаларидан ҳисобланади. Уларнинг панд-насиҳатлари туфайли қанчадан-қанча оилаларимиз сақланиб қолди. Маҳалламизда ўн битта миллатга мансуб икки минг эллик нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ички ишлар нозиримиз Жаҳонгир Тошпўлатов, маслаҳатчимиз Жамила опа Маликова хамиша кўпни кўрган отахон-онахонлар билан маслаҳат иш олиб боришади. Айни пайтда қизларимиз ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, тиббий кўриқнинг аҳамияти борасида олиб борилаётган тушунтириш ишларимиз яхши натижаларни бермоқда. "Ораста қизлар" даврасининг фаолияти кенгайиб бормоқда. Ёшларга хунара ва чет тилларини ўргатиш учун 10 дан зиёд тўғарақларимиз ишлаб турибди.

Нигора ҲУРОЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Иноят АБДУСАГАТОВА:

ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Тўғриси айтсам, бу хабарни эшитиб, бошим осмонга етди, — дейди Иноят опа Абдусагатов. — Нега десангиз, шунинг ўзи бизнинг камтарин меҳнатимизга билдирилган жуда юксак эътиборнинг намунасида. Қаранг-а, муофотланган 55 нафар опа-сингилларимизнинг 38 нафари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, 15 нафари маҳалла раиси, котиби ва 2 нафари хотин-қизлар комиссияси раиси (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг маҳалладаги бошланғич ташкилоти раиси) лавозимида ишлаётган аёллар экани қувонарли. Аёл, бу аввало она, сингил, Яратганининг нозик хилқати, у ҳамisha меҳр ва эътиборга муҳтож ва муносиб эканини Юртбошимиз гоёта донolik ва шарқона донишмандлик билан ҳис этиб, биз оналарни шундай юксак қадрлаганликларни учун ташаккурлар айтаман.

Кўп йиллар Ўзбекистон телерадиокомпаниясида хизмат қилган Иноят Абдусагатов маҳалла ёшларининг ҳар тарафлама билимли ва салоҳиятли бўлиши учун жон куйдиради. Тадбиркорликни ривожлантириш борасида аёлларга унинг ўзи ўрнак бўлмоқда. “Эски шаҳар” ҳудудида жойлашган “Лангар” тўйхонасининг иккинчи қаватида тикувчилик цехи очиб, аёллар кўйлак-халатлари, болалар учун спорт футболкалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу цехда айни пайтда 22 нафар аёллар иш билан таъминланган. Шу кунларда Иноят опа цехдаги фаолиятини янада кенгайтириш ҳаракатида юрибди.

Иноят опа ва Ҳикматилла ака Абдусагатовнинг хонадониде беш ўғил, бир қиз вояга етди.

— Мана шу маҳаллада фаолият бошлаганимга ҳадемай 22 йил бўлади. Аввалига

маҳалланинг бошланғич хотин-қизлар ташкилотиде ишладим. 2007 йилдан бошлаб эса маслаҳатчилик қилаяпман, — дейди Иноят опа. — Маҳалламиз кундан-кунга кўркам ва обод бўлиб бор-



моқда. 22 йил аввал бу ерга келган одам бугунги кунда маҳалламизда меҳмон бўлса, ободончилик ишларидан хайратга тушиши тайин. Негаки, шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Эски шаҳар” ҳудудида жуда катта янгиликлар амалга оширилмоқда. Бир пайтлар маҳалламиз идораси тор кўчалардан бирида пастқамгина уйда жойлашган эди. Ўша кезларда биз ҳам ёруғ, шинам жойларга эга бўлармиканмиз, деб орзу қилардик. Бугун ҳаммамиз учун алоҳида хоналар, ишлашимизга муносиб шароитлар яратилган идорада фаолият юритяпмиз. Меҳроқибат ва инсонийлик фазилатлари борасидаги миллий анъаналаримиз эса тобора сайқал топомқда. Фаол маҳалладошларимиз кам таъминланган оилалар, ёлғиз яшайдиган кексаларнинг ҳолидан эрта-ю кеч хабардор. Бундан ташқари маҳалламиз ҳудудида жойлашган “Хумо Сарбон”, “Мушқ Анбар”, “Лангар” каби тўйхоналар ҳам баҳоли қудрат бизга қаратиб келишмоқда.

“Мохир кўллар” тўғарагиде онахонларимиз қизларга касаначилик сирларини ўргатишмоқда. “Ораста қизлар” давраси бугунги кунда ўз аурофига Ҳуснора Абдусагатов, Мафтуна Саидахмедова

каби 18 нафар зукко қизларни жамлаган. Хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги фаоллигини ошириш, улар ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, ёшларни оилага тайёрлаш мақсадида маҳалламиз худудида жойлашган 14-оилавий поликлиника шифокорлари, кекса онахонлар, жамиятнинг фаол аёллари, психологлар, ижодкор ва санъаткорлар билан биргаликда маънавий-маърифий тадбирлар

ўтказяпмиз. Саида опа Мўминова, кимё фанлари доктори Ҳамид ака Махсумов, Равшан Абдуллаев, Тўхтамурад Мирзараҳимов каби ибратли оилаларимиз маҳалламизда амалга ошираётган хайрли ишларимизда бизга қўшқанот бўлишмоқда. Юнон-рум кураши бўйича халқаро тоифадаги Ҳамид Равил Биктяков ташаббуси билан “Кураш” тўғараги фаолият олиб бормоқда. Биктяковларнинг фарзандлари таниқли теннисчилар Луиза, Лилия ва Руфатнинг галабалари ва тил ўрганиш борасидаги ютуқларини ҳар жиҳатдан ёшларимизга ўрнак қилиб кўрсатамиз. Қувонарлиси, маҳалламизда билимли ва салоҳиятли ёшларимиз жуда кўп.

Оқсоқолимиз Нўъмон ака Умаров, посбонимиз Абдусамат Нурматов, котибамиз Клара Саримсоқованинг маҳалламизнинг маънавий муҳитини яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида олиб бораётган хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Бизга билдирилган бугунги юксак ишонч юртимизнинг равнақи йўлида меҳнат қилишимизда бизга куч-қувват, ғайрат-шижоат бахш этади.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

Сўраган эдингиз ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИДА

Омбудсман ҳақида тушунча берсангиз?

Д.Абдурашидова.

Омбудсман — Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил бўлган мансабдор шахс. Унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва ўзбекистон Республикаси парламентидаги ҳисобдордир.

Қонунга қўра, Омбудсман фуқаролардан тушган аризалар ва мурожаатларни кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришга қўмаклашиш ва уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини кўтаришга қўмаклашиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида фаолият олиб боради.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ўз фаолиятини олиб бориш чоғида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳаракатдаги қонунчиликдаги камчиликларни ёки инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ келмаслиги ҳолатларини аниқлайди ва қонунларни такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини киритади.

Вакил ўз фаолиятини фақат қонун асосига куради, ўзининг жорий ишларининг қондалари ва тартибларини ўрнатади, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва мансабдор шахслар билан алоқалар ўрнатади ва ҳамкорлик қилади.

Омбудсман қарорига таъсир кўрсатиш мақсадида, унинг фаолиятига аралашши, мансабдор шахслар томонидан ўз қонуний мажбуриятларини бажармаслик, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ўз вазифасини бажаришига тўсиқликлар қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Гўзал ИСОҚЖОНОВА,
Олмалик шаҳар
3-сон ДНИ нотариуси.

ҲАДЯНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ

Уй ёки машинадан бошқа нарсаларни ҳам ҳада қилиш мумкинми?

Б. Каримов.

Шартнома асосида кўчмас мулк-уй ҳада қилингани амалиётда кўп қузатилгани боис, баъзи инсонлар бошқа нарсалар билан ҳада шартномасини тузиш мумкин эмас, деб ўйлайдилар. Аслида расмий ҳада автомобилотранспорт, қимматбаҳо қоғоз, қимматбаҳо буюм, кўп миқдордаги пул ҳам бўлиши мумкин. Кўчмас мулк ва автомобилотранспортдан бошқа нарсаларни хоҳласалар ўзаро келишишлари, хоҳласалар расмийлаштириш учун нотариал идораларга мурожаат қилишлари мумкин.

Совганинг катта-кичиги бўлмайди, деган гап бор. Аммо расман, қонун нуктаи назаридан қараганда, шундай совгалар ҳам мавжудки, уларни шунчаки самимият билан тутқазиб, ташаккур билан қабул қилиш орқалигина иш битмайди. Бундай совгаларни тақдим этишда нотариал идоралар иштирок этиб, махсус шартнома тузиш керак бўлади. Қонунда кўчмас мулк ва автомобилотранспортларни нотариал тартибда ҳада қилиш мажбурий белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасида белгиланишича, ҳада шартномаси деб ашёни текинга мулк қилиб бериш, мулк ҳуқуқини бериш ёки бу мажбуриятларни олишга айтилади. Ҳада шартномасида шахс ва бериладиган нарса аниқ кўрсатилиши керак.

Ҳада қилишни ният қилган инсон ҳада шартномаси тузилмасдан оламдан ўтиб қолса, бўлажак ҳада эгаси мулкни талаб қилишга ҳақли эмас. Бу шунчаки ваъда ҳисобланади. Ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Чунки бу ҳада эмас, аксинча, васиятнома мезъорларига тўғри келади. Ҳада шартномасида кўзда тутилган мулк тарафлар томонидан шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга кирилади. Ҳада шартномаси, совгани қайтиб олмаганларидек, имзоланган заҳотиёқ иккинчи тараф мулкига ўтиб кетади. Агар автомобилотранспорт ҳада қилинса, унга эгаллик қилиш учун шартнома тасдиқланган пайдан бошлаб 10 кун мобайнида ДЙҲХ органларида рўйхатга олиш (ҳисобга қўйиш) учун тақдим этилади. Кўчмас мулк ҳада қилинса, унга эгаллик қилиш учун шартнома тузилгандан кейин тегишли “Ермулккадастр хизмати”да рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ш.БОБОБЕКОВА,
Фарғона шаҳар 1-сонли ДНИ нотариуси.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг “Турон” меҳмонхонасида Республика Маънавият тарғибот марказининг Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига бағишланган “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон” шиори остида “Юракдан куйлайман, жон Ўзбекистон!” деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда 130 дан ортиқ миллат ва

элат вакиллари ва Ватан бўлган обод ва озод юртимизнинг мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришган ютуқлари, шунингдек, инсон омилига бўлган эътибор хусусида батафсил сўз юритилди.

Байрам кечасида санъат усталари, таниқли олимлар, ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Тадбирга Ватан, истиқлол мадҳ этилган шеърлар ва бетакорор кўшиқлар ўзгача файз бағишлади.

Гулноза БОБОЕВА.

Шодия Тўхтаевани салбий ролларнинг маҳоратли ижрочиси сифатида яхши таниймиз. Айна пайтда Ўзбек Миллий академик драма театрида фаолият юритаётган актриса «Ёрим-безорим», «Укубат», «Ўйин», «Чашма», «Тубанлик», «Кайтар дунё», «Туташ тақдирлар», «Сизсиз ўтмас кунларим», «Ўзбекча рақс», «Фаришта», «Танҳо юлдузим», «Бегоналар» ва шу каби бир қатор кинофильм ҳамда спектаклларда бош ҳамда эпизодик ролларда ижобий ва салбий киффалардаги образларни маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар меҳрини қозониб улгурган.

Шодия ТЎХТАЕВА:

САҲНАДАГИДАН ЭМАС, ҲАЁТДАГИ АРТИСТЛАРДАН ҚЎРҚИШ КЕРАК!

— Кўпчилик актёр бўлиш учун ўқиш шарт эмас, деб ўйлайди...

— Бу нотўғри фикр. Билимсиз одам қанақасига актёр бўлиши мумкин. Саҳна бежиз томошабинлардан бир метр юқори қилиб ясалмаган. Актёрнинг савияси, билим даражаси томошабиндан бир поғона юқори бўлиши шарт. Чунки оддий мухлис ўзи ёқтирган актёрни идеал даражада кўради ва унга нафақат санъаткор, балки билимли, ақлли одам сифатида интилади, керак бўлса эргашади. Актёр аввало ўзи учун, қолаверса, мухлис тасаввурига доғ туширмаслик учун ҳам ўқиб, изланиши керак. Истеъдодини билим билан сайқалламаган актёр саҳнада ўзини фош қилиб қўйиши мумкин.

— Бахт ичидаги бахт, деганда нимани тушунасиз?

— Инсон тўла-тўқис бахтли бўла олмайди, бахтли оғилар бўлади, дейишади. Бахтни ҳар ким ўзича тушунади. Масалан, мен учун бахт ҳисобланган нарса, бошқа инсонга оддий яшаш тарзи бўлиб кўриниши мумкин. Мен бахтни атиргга ўхшатаман. Унинг ифори бошқаларга ҳам сезилиб туради. Инсон ўша атирни сепмай туриб, бошқаларга бахт бера олмайди.

— «Кайтар дунё» телесериалида яратган образингиз ўзингизга маъқул бўлганми? Салбий ролларингизга яқинларингиз қандай муносабат билдиришади?

— «Кайтар дунё»да салбий ролни беришганида сценарийни ўқиб чиқиб: «Мен бу ролни ўйнай олмайман», деб ўйлаганман. Онам билан маслаҳатлашганимда: «Агар эплай олсанг ўйна, урдалай олмасанг, яхшиси рози бўлмай кўя қол», деб айтганди. Ушанда учинчи босқич талабаси эдим. Оддий талаба учун Машхура образи катта маҳорат мактаби даражасини ўтади. Кейин эса салбий ролларим кўпайиб кетди. Онам дугоналари билан театрга келганида бир спектаклда салбий образда саҳнага чиққандим. Шунда онам: «Балки етар энди, сени ижобий ролларда ҳам

кўришни истайман», деган эди. Шундан бери ижобий образларни яратишга ҳаракат қиляпман. Режиссёрларда бир нарса бор: актёр салбий ролни қойиллатиб ўйнади, энди уни фақат шундай образлар учун таклиф қилишади. Агар одамлар салбий қахрамонларим орқали мени ёмон кўриб қолган бўлса, уларда нафрат уйғота олган бўлсам, бахтлиман.

— Тарихий фильмларда суратга тушган миссия?

— Бундай фильмларда суратга тушиш ҳар бир актёрнинг орзуси.

Яқинда Темур Маликов режиссёрлигида хужжатли фильм суратга олинди. Унда Увайсий родини ижро этдим.

— Қахрамонингиз тилидан «Саҳнадаги артистлардан кўра, ҳаётдаги артистлардан кўрқиш керак» дегансиз. Нима учун айнан бундай фикрни айтгансиз?

— Ўша видеофильм қалбимга жуда яқин. «Денгиздан томчи» ружни остида Севара Ҳошимова сценарийси асосида ишланган видеофильмда суратга тушдим. Севара опа ўшанда «Сизсиз ўтмас кунларим» спектаклида ўйнаган ролимни томоша қилиб, жуда таъсирланибди ва «Сизга мос бир сценарий ёзсам ўйнайсизми?» деб сўради. Шундай қилиб сиз айтган асар яратилди. Унда менинг ички изтиробларим, айтмоқчи бўлган дардларимни акс эттирган. Ўйигит билан учрашувга чиққанда «Онамга ёқиб учун артистлик қилибсиз-да», деган гапга жавобан ўша ролим орқали мана шу сўзларни айта олганман. Ҳақиқатан ҳам ҳаётдаги артистлардан кўрқиш керак.

— «Қобилиятлиларга ҳасад қиладилар, инсоф-



лиларга зарар бердилар, даҳолардан қасос оладилар. Кимнинг қўлидан иш келса ишлайди, ишламаса ўргатади, уни ҳам эпламаса бошқаради, унинг ҳам уддасидан чикмаса ҳукми юргизади». Санъат билан боғлиқ бу афоризмни қандай тушунасиз?

— Биласизми, бу менинг энг сеvimли афоризмим ва уни қундалгимнинг биринчи саҳифасига ёзиб қўйганман. Бу ҳақда фикр билдиришим биров ноқулай. Ҳасадгўй инсонлар ҳар бир замонда бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Бу афоризмни тўлиқ санъатга боғлайдиган бўлсак, шунақа режиссёрлар бўладик, ўзи умуман ҳеч нарса ни тушунмайди, лекин актёрга ўргатишга ҳаракат қилади. Яна шундай режиссёрлар борки, «Сен актёрмисан, саҳнадаги ўрнингни ўзинг топ», дейишади. Чунки ўзи актёрга «Сен мана шу ерда туришинг керак», деб тушунтира олмайди.

— Айтишадик, тошбақалар қуёнга нисбатан йўлни яхши билади. Нега?

— Қуён сакраб-сакраб, манзилга тезроқ етиб боришга ҳаракат қилади-ю, атрафга назар ташламайди. Тошбақа секин юради, аммо

Гурун г

Йўлдаги ҳар бир детални назардан четда қолдирмайди ва кейинги гал шу йўлдан юрганда қаерда нима борлигини эсдан чиқармайди. Мульфильмларда ҳам тошбақаларни донишманд киффасида тасвирлашади. Сизга мисол тариқасида, бир сирни очиши мумкин. Уйимда иккита тошбақа бор. Улар ҳар доим кундузи билан ҳовлида юришади, кечкурун эса, албатта, ошхонадаги газнинг тағида ухлашади. Агар эшик ёпиқ қолса, тикирлатиб, тирнаб уни очишга, агар очолмасан, эътиборимизни тортиб, ошхона эшигини очиб беришимизга ундайди. Айтмоқчиманки, тошбақа қуёнга қараганда имиллаган, аммо жуда ақлли жонивор. Сиз айтган хўлатни бугунги кундаги айрим актёрларга қиёслаш мумкин. Ҳозирги кунда режиссёрлар актёрнинг ташқи киффасига кўпроқ эътибор беришади. Дейлик, ёш, эндигина ўқишга кирган чиройли талаба қиз ёки умуман ўқиманган бир қизалоққа бош ролларни беришади. Улар тез машхур бўлиб, «эркаланиб» кетади. Ваҳоланки, у ҳали актёр, шахс сифатида шаклланмаган. Режиссёрлар унинг ташқи кўринишидан ва бир фоиз иқтидоридан фойдаланишлари мумкин. Томошабин ҳам фақат унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлади, аммо актёрлик маҳоратидан эмас. Орадан беш йил ўтиб эса у табиий гўзаллигини йўқотади ва ундан ҳам чиройлироқ қиз пайдо бўлади. У эса ўз-ўзига ортиқча баҳо бериб, актёрлик маҳоратини сайқалламаган. Унда пойдевор йўқ, билим ва тажриба етишмайди. Унинг жожеаси мана шу ерда!

— Айтинг-чи, озинингча ҳаётда бахт формуласи борми? Ёки...

— Бу ҳақиқатни Яратган бизнинг пешонамизга, тақдир-аъмолимизга битиб қўйган. Лекин бу сирли ёзувни ўқиш ва ўқиш ниҳоятда мушкул вазифа. Шундай экан, ҳар ким феъл-атвори, ризқ-насибасига яраша ҳаётдан ўз улушини олади. Бахт ҳар кимга совға ёки ҳадыя этиладиган нарса эмас, уни ҳудойим бизларга гуноҳу савобимизга қараб тақсимлайди.

— Сизни билган, севган мухлисларга тилақларингиз.

— Энг аввало, бизлар учун муқаддас бешик саналган Она Ватанимиз ҳамиша тинч-осойишта бўлсин. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 22 йиллик муборак тўйига санокли кунлар қолаёттир. Бу улуг тантанани ҳар биримиз ёруғ юз билан кутиб олайлик, қай бир соҳада бўлмасин, ўзига хос муносиб ютуқларга эришайлик. Дарвоқе, адабиёт, санъат ва ижод кадрланаётган юртда яшапмиз. Демак, биз ҳам ана шундай эътибор, рағбат ва ишончга муносиб бўлмоққа интилайлик.

Махфура МАНСУРОВА
суҳбатлашди.



ЗУМРАД — тилимизда фаол қўлланадиган, олий сифатли, оч яшил тусли қимматбаҳо тош маъносини ифодалаган, ҳатто қизларимизнинг исмига айланаётган кетган "зумрад" сўзи узоқ йўлларни босиб ўтган. Бу сўз тиллардан тилларга ўтиб бизнинг тилимизга кириб келган. "Зумрад" сўзи асли қадимги юнон тилида "smaragdos" бўлиб, "сабзаранг тош" маъносини англатган.

Кўрдингми? Бу нима? Мана бу — дур, мана бу — марварид. Мана бу ёнган — гавҳар. Қолганлари — хар хил тошлар, ёқут, зумрад...

Ойбек

ГҲНОН — тилимизда қадимдан икки яшар айғир ёки кўчқор "гўнон" деб аталган.

Чопқиллашиб ўйнайди гўнон тойлар.

Ҳабибий

Салт гўнонда бораман ёлғиз...

Миртемир

Улар келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун деб бир гўнон кўйни оғилнинг устунига қантариб қўйган эди.

Абдулла Қодирий

КИНДИК — она қорнидаги ҳомилани она танаси билан киндик боғлаб туришини, бола туғилганда у кесилишини яхши биламиз. "Киндик" сўзининг туб илдизи "ту-таштир", "бирлаштир" деган маъноларни ифодалайди.

Киндик қоним тўкилган тупроқ...

Газетадан

ҚАРКУНОҚ — чумчуқлар туркумига мансуб, тумшуғи эгилган, ҳашарот ва майда паррандалар билан озиқланадиган қуш тилимизда "қарқуноқ" деб аталади.


Сой ёқасида ялпиз хиди келарди, маст бўлиб қарқуноқлар сайрарди.

Асқад Мухтор

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

АЁЛЛАР ФАОЛ, ТАДБИРКОР БЎЛСА...

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Миллий иқтисодий тизимнинг муҳим бўғини сифатида кун сайин ривожланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хотин-қизларнинг меҳнати ва иштирокисиз тасаввур этиш қийин.

Бугунги кунда аёлларни тадбиркорлик ишларига янада кенг-роқ жалб этиш мақсадида қатор ННТлар ва Ижтимоий масъулиятли фуқаролар ташкилотлари ўзaro ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш олиб боришмоқда. «Аёллар кенгаши» РЖБ, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси ҳамда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ННТ Наманган вилоят Ахборот маркази юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто чекка қишлоқ жойларида ҳам кичик ва хусусий тадбиркорлик

субъектларини ривожлантириш борасида семинар тренинглар ўтказиб, тадбиркорларга ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш бўйича бизнес лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари-дан кредитлар олиш тартиби ва шартлари, улардан самарали фойдаланиш механизмлари тўғрисида ҳамма ҳам бирдек тушунчага эга эмас. Бу борада фуқаролар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари эса кундан кунга ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

— Вилоятимизда аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларнинг фаол фуқаролик позициясини кучайтириш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда, — дейди «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси Наманган вилоят филиали, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» вилоят жамоатчилик кенгаши раиси Мавлуда Абдуҳалимова. — «Микрокредит-

банк»нинг вилоят бўлими ҳамкорлигида шу йилнинг апрель ойида «Микрокредитбанк»дан 30 миллион сўм миқдорда кредит олиб, тадбиркорлик ишларига сарф этидилар. Бунинг

натijasида 400 дан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди. Янги-қўрғон туманидаги «Шарқ олдун-зи замин гавҳари» хусусий корхонасининг раҳбари Ҳабиба Отахонова «Микрокредитбанк»дан имтиёзли кредитлар олиб, ўз тадбиркорлигини ривожлантириб кел-лаётган ишбилармон аёллардан. У илк маротаба 2009 йилда 1 миллион сўм миқдорда кредит олиб, замонавий кўрпа, кўрпача, матрас, ёстиқ ва яна шунга ўхшаш ётоқ маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлаган эди. Ҳабибанинг якка тартибда бошлаган фаолияти вақт ўтиши билан оилавий тадбиркорликка айланди. Шу боис у фаолиятини кенгайтириш мақсадида 2011 йилда ушбу банкка қайта мурожаат қилиб, 6 фоизлик имтиёз билан 15 миллион сўм олди. Бу сармомояни эса «Гулшана текстиль плюс» корхонасидан ҳар бири 1 миллион 300 минг сўм турадиган 5 та тикув машинаси ва ишлаб чиқаришга керак бўладиган хом ашё маҳсулотларини харид қилиш учун сарфлади. Ҳозирда унинг қўл остида 10 нафар ишчи хизмат қилмоқда. Ҳабибанинг навбатдаги режалари ҳам талайгина. У энди ўз тадбиркорлигини янада кенгайтириш мақсадида шу йилнинг апрель ойида «Микрокредитбанк»дан 30 миллион сўм миқдорда кредит олиб, қурилиш ишларини бошлаб юборди. Корхона биносини кенгайтириш билан бирга, ўз фаолияти доирасида қандолатчилик цехини ҳам юритиб, тумандаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, коллежлар ва тумандаги дўконларни турли хилдаги ширинликлар билан таъминлаш ниятида.

Вилоятимиздаги ишбилармон аёллардан яна бири Наманган ту-

манидаги «Нодирабегим» ўқув маркази раҳбари Фотима Ҳакимова ҳам шу йилнинг май ойида «Микрокредитбанк» томонидан 3 фоизлик 7 миллион 900 минг сўм кредит ажратилган эди. У шу туман худудига қарашли Ирвадон қишлоғида жойлашган коллежда ёшларга психология фанидан сабоқ бериш билан бирга ўсмир ёшдаги қизларни оилага, ҳаётга тайёрлаш, уларни ҳунар ўрганишга йўналтириш мақсадида коллеж қошида ўқув маркази очди. Унда «Аёллар соч турмағи», «Тўқувчилик», «Пазандачилик», «Элита услубида пардалар» каби 4 та йўналиш бўйича тўғарақлар мавжуд. Ҳозирда коллежнинг 50 нафарга яқин ўқувчи қизлари ушбу тўга-



рақларда ҳунар ўрганишмоқда. Фотима Ҳакимованинг тадбиркорлик ишларида оила аъзолари ҳам кўмаклашмоқда. Катта қизи Нозимахон «Аёллар соч турмағи» тўғарагининг ўқитувчиси, кичик қизи Нодирахон эса «Пазандачилик»дан машғулотлар ўтказди.

Дарҳақиқат, аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ишлар ва яратилаётган шароитлар туфайли бугунги кунда кўплаб хотин-қизларимиз тадбиркорлик ишларини ривожлантириб, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражада ютуқларга эришмоқдалар. Уларнинг тадбиркорлик ишлари натижасида эса хонадонларга фаровонлик, хайр-барака кириб бормоқда.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Қ а т р а



РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, килпик ўстириш ва дилепляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой.
Бисердан гуллар, даратлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабазотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ЭНГ ОЛИЙ ТҮЙҒУ

Энг тоза туйғу нима?

Биринчи маошингизни келтириб бериб, отангизнинг дуосини олганингизми?

Биринчи марта соғва кўтариб келганингизда онангизнинг кўзида қалқибган ёшми?

Биринчи бўсам?

Тўй кечасидаги ҳаяжонларми?

Ногаҳон кўз юган онангизнинг қабрини силаб йўлаганингизми?

Тўнғич фарзандингизни илк бор мактабга етаклаб борганингизми?

Ҳаммаси... ҳаммаси покиза туйғулар...

Аммо...

Бола эмизиб ўтирган аёлга зимдан разм солинг... Гўдагига кўксини тутиб термулиб ўтирган онанинг кўзларига синчикла-а-а-б тикилинг...

Энг олий туйғу нималигини шунда кўрасиз?

Ўқувчи ҲОШИМОВ

Ўзини Кумри опа, деб таништирган бу аёл бир қарашда ўзига тўқ, ҳеч камчилиги йўқдек кўринарди. Аммо кўзларида ададсиз мунг, тушуниксиз безовталиқ бор эди. Сухбатдошга, бир ҳамдардга мушток эди.

— Яхши хотин уйдаги гапни ташқарига чиқармайди, дейишади. Бирок бугун менинг дардимни кимдир эшитмас, эртага кеч бўлиши мумкин, — дея гап бошлади у. — 23 йил аввал Шавкат ака билан турмуш қурдик. Қайнона-қайнотам бамаъни одамлар эди. Менга меҳр қўйишган, мен ҳам уларни ҳурмат қилардим. Рўзгорнинг пасту баландида уларга суюндим. Йиллар шу зайлда ўтаверди. Тўрт фарзандни улғайтириб, олди қизимизни узатдик. Қайнотам фермер хўжалигини ташкил этди. Боғлар яратди. Хўжайиним иккимиз ҳам қараб турмадик. Қўлдан келганча меҳнат қилдик. Даромадимиз кундан-кунга ортиб борарди. Уй-жойларимизни қайта қуриб, таъмирдан чиқардик. Ҳатто пойтахтдан уч хонали уй ҳам сотиб олдик.

Иссиқ жоннинг иситмаси бор, деганларидек, қорнин оғриб, ўнг қовурғам остида санчиқ турадиган бўлиб қолди. Ут қоғимда тош йиғилган экан. Касалхонага тушдим. Шифокорлар операция қилиш кераклигини айтишди. Турмуш ўртоғимнинг менга қилаётган гамхўрлиги, кунда икки-уч маҳал хабар олиши хонадошларимнинг ҳавасини келтирарди. Айниқса, Замира деган жувон икки гапининг бирида оиламизни оғзидан бол томиб мақтарди. У ҳаётда кўп қоқилганини айтиб, ҳасрат қиларди. Мен билан опа-сингил тутиниш ниятини айтганида, унга елқодош бўлгим келди. Касалхонадан чиққанамиздан кейин оилавий борди-келдини бошлаб юбордик. Бир-биримизсиз кунлар ўтмайдиган, таом бот-

ИККИ ЙЎЛ ОРАСИДА



майдиган даражада аҳил эдик. Шу орада хўжайиним иш юзасидан тез-тез Тошкентга қатнайди дилди.

Замира жуда дилхуш аёл эди. Ўзига оро бериб, бир гапириб ўн кулиб яшарди. Эрим эса баъзида "Синглингга ўхшаб ўзингга қараб юрсанг бўлмайди", дея ҳазиломуз танбех берарди. Шунда, "Ахир у эртаю кеч ойна олдида ўтирса, менга ўхшаб дала, уй юмушига кўмилмаган бўлса, насиб қилса, келин олсам мен ҳам шундай юраман", деб жавоб қайтарардим. Гоҳида фарзандларим бориб, Замиранинг уйидаги юмушларига қарашиб келарди. Бир куни ўғлим "Ая, дадамнинг дўпписи холаминикида қолиб кетибди, ўзларига айтмай, секин олиб келавардим", деб қолди. Ҳайрон бўлдим, бирор иш билан борган бўлса, бепарволик қилиб ташлаб кетгандир-да", деган ўйда яна юмушга шўнғиб кетдим.

Орадан бироз вақт ўтгач, эримнинг бошида янги дўппини кўриб, эскиси эсимга тушди. Шу ҳақда гап очган эдим, "Тошкентдаги уйда қолиб кетибди", деган баҳонани рўқач қилди. Ана шундан кейин кўнглимга гумон тушди. Бу пайтга келиб, эрим уйимизга кам келадиган, ишни баҳона қилиб, дарров жўнаб кетадиган одат чиқарган эди. Тирикчилигимиздан файз кети-

ди. Бир куни кўшнимиз, бозорда эримни бир аёл билан қўлтиқлашиб кетаётганини кўрганини айтиб қолди. Юрагим ёрилгудек бўлиб Замиранинг уйига чолиб бордим. Аввалига иккиланиб турдим. Сўнг юрагимда "Ишқилиб болаларимнинг отаси бу ерда бўлмасин-да", деган илтижо билан очиқ турган эшикни итардим. Не кўз билан кўрайки, эрим сочиққа ўраниб ваннахонадан чиқиб келарди. Мен ҳайратдан лол бўлиб қолдим. Деворга суяниб турган эримнинг тили калимага келмасди. Ичкаридан "Шавкат ака, кимдир келдимми, эшик очилгандек бўлди-ёв" деган товуш эшитилганда ўзимизга келдик. Киноларда кўрганимиз фоҳиша аёллардек ярим яланғоч кийинган (аслида кийим ҳам эмас) Замира чиқиб келди. Мени кўриши билан бир мuddат қотиб турди-ю, беўхшов тиржайди. Менга "чин сингил"ликни даъво қилган бу аёлнинг ўша пайтдаги қиёфаси ҳамон кўз ўнгимда...

Орадан уч-тўрт йил ўтди. Дардимни ичимга ютдим. Болаларим олдида отасининг обрўси тушишини, фарзандларим уни ёқтирмай қолишларини истамасдим. Бу воқеа уч киши ўртасида сирлигича қолди. Аммо муносабатларимиз кескин совиб кетди. Буни кўрган болаларим ҳайрон

қолишар, аввалгидек қувнок ва ширин ҳаётимизга қайтишимизни исташарди. Мен меҳнат билан овундим. Бу орада онам қазо қилди. Шуни баҳона қилиб тўйиб-тўйиб йиғлайдиган одат чиқардим. Дунёнинг бевафолигидан, дўстлик дегани шунчалар мўрт ва алдамчи бўлишидан ўқиниб йиғладим. Болаларим сезмасин, деб, улардан яшириниб кўз ёши тўкардим.

Бир пайтлар оламнинг ҳамма қувончини менга тортиқ этишга тайёр бўлган Шавкат акам эса кундан кунга оиламиздан йироқлашиб бораверди. Ниҳоят бир куни болаларнинг олдида андиша ҳам қилмай, "Замирани сизларга ая қилиб олиб келаман" деса бўладими... Фарзандларим анграйиб қолишди. "Биз анчадан бери бирга яшаймиз, буни онанг ҳам билади", деганидан сўнг меҳмонга келган катта қизим хушидан кетди, кичик қизим йиғламираб ичкарига кириб, эшикни қулфлаб олди. Биттаю битта ўғлимиз машинани ўт олдириб, кўчага ошиқди...

Гапига кулоқ солмай чиқиб кетгани учун эрим ёлғиз ўғлимни "Машинанинг остида қолсин", деб қарғади. "Бундай қилманг, ота қарғиши ўқ бўлади", дейишим биланок, у энг сўнгги — даҳшатли жавоб сўзини айтиб, уйдан чиқиб кетди...

Аёлман-да бўйи-бўйим-

Буни ҳаёт дейдилар

дан баланд болаларимни бағримга босиб овутдим. Ўзларига бир бало қилиб қўйишмасин, деб чалғитиб йўлга солдим. Аммо Шавкат акамнинг қилмишини меҳрибон қайнона-қайнотамга айта олмадим. Ахир, икковларининг ҳам қон босими бор. Бу гапни кўтара олишмаслиги аниқ.

Болалар билан биргаликда тиним билмай елиб-юғриб, ўзимизни ўтга, чўққа уриб, меҳнат

қилдик. Қайнотамнинг фермер хўжалиги кундан-кунга гуркирайверди. Болаларим ҳам кўнглимга қараб менга ёрдам беришди. Хўжайиним эса ўша кетганича, Тошкентдаги уйимизга Замирани олиб кетиб яшай бошлади...

Кичик қизим пойтахтда ўқишни ният қилган эди. Хужжатларини топшириш учун Тошкентга келдик. Жияларимнинг уйда турибмиз. Кеча ўғлим телефон қилди. Отаси бош эгиб, уйга қайтиб келганимиз. Ўғлимдан узр сўраб, "Қаттиқ адашган эканман, ойинг мени кечира олармикан", дебди...

Юрагим бир қалқиб тушди. Ахир, менинг айбим нима эди? Уй юмушларидан, болалар тарбиясидан ортиб, ясан-тусан қилмаганимми? Ёки рўзгоримиз кам бўлмасин, деб эртаю кеч ишлаганимми?..

Тан оламан, Шавкат ака билан турмушимиз давомида яхши кунларимиз кўп бўлган. Савлатидан от хурқадиган одамнинг ўз ўғли олдида кечирим сўраб, мунгайиб турганини кўз олдимга келтирсам, юрагим увшиб кетади. Уни кечирай десам, ўзи ортага йўл қолдирмай, жавобимни берган бўлса... Энди нима қилишга ҳайронман. Менга маслаҳат беринг, азизлар!

Кумри опанинг ҳикоясини Нигора Нигора ЭРКИН қизи ёзиб олди.

Мақола қахрамонларидан бири Чароснинг алам билан айтаётган ўқириги, ҳаёт синовларига қарши исёни қалбда яхшилик яшаётган ҳар бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Аслида хатолик ҳар кимдан ўтади. Лекин эндигина ҳаёт остонасидан ҳатлаётган ёшлар, аксарият ҳолларда навиҳол қизлар учун билмай босилган тиканнинг захри узок мuddат азоб беради. Оқибатда Чаросга ўхшаб пуншаймон чекади, хатоларни таҳлил қилади.

Халқимизда ўзбекона андиша ҳамиша қадрланиб келинган, улуғланган. Шахсан менинг ўзим ҳам бир умр педагог, мураббий сифатида олий ўқув юртларида ёшларга устозлик қилган бўлсам, бундай воқеаларга кўп бора дуч келганман. Кўлимдан келгунча йигит-қизларга тўғри йўл кўрсатганман. Бундай пайтда, айниқса талаба ёшлар, қизлар ота-онасининг назаридан панада бўлгани боис кўп адашади, алданди. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит-қиз Ҳаёт аталмиш улуг неъмат инсонга Оллоҳ томонидан фақат бир мартагина, унда ҳам оғир ва залворли синов-машаққатларини

ҲУСН ҲАЁДА

"Бировнинг бахти", 25-сон

енгиб ўтиш учунгина ато этилишини унутмаслиги керак. Бир хатолик ўн хатони етаклаб келади деган ақида борлигини ҳам эсдан чиқармайлик.

Кейинги пайтда ёшлар орасида, энгилтақлик, беҳаёлик, йўламай иш қилиш каби ҳолатлар кўп учраётгани ҳақиқат. Энг ёмони, айрим ота-оналар мазкур мақолада келтирилган воқеага ўхшаш ҳолатларга дуч келганда йўламай-нетмай қизларини шаҳарга (ўқишга) юбориш оқибати шунча бўларкан-да, деб уларни тезроқ узатиш пайига тушадилар. Шунинг учун ҳам доно халқимизда "Бирники минга, мингники туманга" деган гап бор.

Донишманд дейдики:

— Бир ишга киришмасдан аввал унинг оқибатини яхшилаб ўйлаб, сўнг иш бошлаган одамни ақли, келгусидаги нохушликни олдиндан сезиб, аввалроқ чора қўллайдиган одамни эса зийрак деб айтаемиз.

— Қайси нарсалар инсон учун айб

саналади? — дея сўрашганда, донишманд шундай жавоб берган экан:

— Бахиллик, кўролмаслик, беҳаёлик, андишасизлик, ҳасадгўйлик.

Шу маънода мақолада бахиллик ва кўролмасликнинг аянчли оқибатлари тўла очиб берилган.

Айрим ота-оналар ҳаддан ташқари болага меҳрибонлик қилиб гиргитон бўлишади. Унинг ҳамма айтганларини баҳо келтиришади. Барча инжиқлик ва ўжарликларини кўтаришади, натижада бола ношуд, худбин ва бемеҳр бўлиб ўсади. Болани кўр-кўрона севиш ва талтайтириш кўпинча юқорндагидек кўнглисиз оқибатларга олиб келади. Шубҳасиз, бола ота-она хонадонидан нимани кўрса, нимага одатланса, бу унинг феъл-атвори ва хулқиға сингиб кетади.

"Қизнинг хусни ҳаёсида", деган ибратли нақл бор халқимизда. Қиз бола ўзининг малохати, латофати, иффати, ширин муомаласи, беғубор табассуми, мулоимлиги билан дилдор.

Акс-садо

Одамни Ўзига тортадиган, истарасини иссиқ кўрсатадиган нарса қизларнинг ҳаё-ибоси, иффатиридир.

Ҳар жиҳатдан маънавиятли, маърифатли қизларни, хуллас, эртанги уй бекалари, саришталли, меҳрибон оналарни тарбиялаш бош мақсади миз экан, уларни оилага тайёрлаш, тиббий маданият кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда андишасизлик ва худбинликнинг зарарли оқибатлари ҳақида ҳам мана шундай мақолалар орқали тарғибот ва тушунтириш ишларини кучайтириш керак.

Мени қувонтирган жиҳати, бевосита Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча худудларида, айниқса ўқув муассасаларида "Ораста қизлар" тўғаракларининг фаолият юритаётганидир. Чунки биз худди ана шундай маърифий ва тарбиявий йўллар орқали фарзандларимиз қалбига халқимизнинг ўлмас қадриятларини сингдириб борамиз.

Ойша ТўРАЕВА, профессор.



МАШХУР СОАТЛАР

Хар бир шаҳарнинг ўзига хос диккатга сазовор жойлари мавжуд. Шунингдек, кўплаб шаҳарларда ана шу шаҳарнинг рамзига айланаб улгурган баланд минора-соатлари, яъни курантлари бор. Аслида «курант» французча сўздан олинган бўлиб, «ҳаракатланувчи», «югурувчи» деган маъноларни билдиради.

Дунёга машхур бўлган **Биг Бен** курантини яхши биласиз.

У Лондоннинг Вестминстер саройида жойлашган. 1859 йилда қурилган. Миноранинг тўрт тарафига ўрнатилган хар бир циферблатнинг диаметри 7 метрни ташкил этади. Соатнинг катта милли узунлиги 4,30 метрни, кичиги эса 2,70 метрни ташкил этади. Хар бир рақам бўйи 61 сантиметр.



Ушбу афсонавий соатнинг номи қаердан келиб чиққанлиги тўғрисида икки хил фикр бор: баъзилар Биг Бен улкан чўян кўнгирак яшаш ишларига бошчилик қилган сэр Бенжамин Холл шарафига аталган десалар, яна баъзилар ушбу соат ўша пайтларда машхур бўлган оғир вазндаги боксчи Бенжамин Каунт номидан олинган дейишади. Нима бўлган тақдирда ҳам ушбу беш тонналик соат ҳозирги давргача ўзининг аниқ ишлаши билан машхурдир. Мабодо баъзи вақтларда соат механизми бир оз нотўғри ишлай бошласа, буни тузатиш йўли жуда осон. Инглизлар соат маятникига бир пеннилик вазни 1,5 грамм келадиган тангани ёпиштириб қўйишади. Қарабсизки, соат яна аниқ ишлай бошлайди.

1410 йилда қурилган «**Орлой**» астрономик соати Прагадан Старомест майдонида жойлашган.

Хар бир циферблатнинг ҳажми 2,5 метрни ташкил этади. Орлой сўзини чех тилидан таржима қилганда, «орлой»



– минора соати, деган маънони англатади. XV аср бошида Старомест майдонида катта савдо-сотик ишлари амалга оширилди. Хукумат раҳбарлари одамлар аниқ вақтни билиб туришлари учун Старомест майдонида улкан минора соат ўрнатишга қарор қилишади. Мана, олти асрдан буён ушбу соат одамларга аниқ вақтни кўрсатиб турибди.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

НОБОП КУЁВ КҮЙДИРДИ

Бир кам дунё, деб бежиз айтишмаган экан. Синглим Эйтиборхон турмуш ўртоғи Жалил ака билан барча фарзандларини ўқитиб, уйли-жойли қилишди. Уларнинг хонадонига ҳамманинг хаваси келади. Фақат биргина Хуршида жиянимнинг турмуши узоққа бормади. У туманимиздаги кутубхонада ишлаб юрган кезлари Нозим исмли йигит билан танишди. У аввал уйланиб ажрашган ва битта фарзанди борлигини айтган эди. Агар жияним унга турмушга чиқишга розилик берса, уни бахтли қилишга, асраб ардоқлашга сўз берди. Хуршида рози бўлгач, тўйни бошлаб юбордик. Куёвнинг ота-онаси анча кексайиб қолишган, келиннинг қўлидан бир пиёла иссиқ чой ичсалар, кечгача дуо қиладиган одамлар эди. Аввалига ҳаётлари осуда кечди. Аммо кўп ўтмай, куёвнинг турли нағмалари чиқа бошлади. У Хуршидага кўпол муомалада бўлар, ҳафталаб уйига келмай кўярди. Бу орада жияним оғирроқ бўлди. Куёв бола эса унга мутлақо беписанд қаради. Хуршида ҳаммасига сабр қилиб, уйдаги гапини кўчага олиб чиқмай, яшайверди. Ўзим гинеколог бўлганим учун ҳам унинг саломатлигини кузатиб бордим. Бир куни жияним тунги иккилар атрофида кўнгирак қилиб тўлгоғи бошланганини, уйда эри йўқлигини айтиб, ёрдам сўраб қолди. Зудлик билан уни туғруқхонага олиб келдим. Хуршида тонга яқин ўғил кўрди. Шундан кейин ҳам куёвнинг бемаза қилиқлари кўпайса кўпайдики, камаймади. Бундан газабланган Хуршиданинг акиси куёвни обдон суриштира бошлади. Буни қарангки, Нозим жиянимга уйланишдан олдин бир эмас, икки маротаба оила қурган, биринчиси билан қонуний ажрашган, иккинчи хотини эса ажрашмай туриб, чет элга кетиб қолган экан. Бу ҳам қандай Хуршидадан кейин ҳам яна иккита аёл билан танишиб, ўшаларнинг уйда яшаб юр-

гани маълум бўлди. Бундай ёлгонларни кўтара олмаган жияним ажрашишга ариза берди.

Хуршида ҳозир **36 ёшда**. Касби ҳуқуқшунос. 40-45 ёшгача бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида яшовчи иймонли, оилапарвар инсон бўлса узатардик.

ОРЗИГУЛ опа,
Тошкент вилояти.



Бахтли бўлинг

ҚИЗИМНИНГ БАХТИ — ЎЗИМНИНГ БАХТИМ

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидан тахририятимизга келган Ҳалимаҳон опа шундай гап бошлади:

— Биласиз, хар бир ота-она ўғилми, қизми, Оллоҳдан уларга бахт-саодат сўраб яшайди. Газетангизнинг беминнат кўмаги туфайли оила қуриб, фарзандлик бўлиб, тинч-тотув яшаб юрганлар ҳақида ўқисам хурсанд бўлман. Қизим ҳам улар қаторида орзунимидларига етишиб юрса, дея сизлар-

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нухаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нухасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ТАРВУЗ

Табиаат — дорихона

Мутахассислар фикрича, тарвуз простата бези, ўпка, ошқозон, ошқозон ости бези, йўғон ва тўғри ичак хасталиклари, кўплаб саратон касалликлари, айниқса, кўкрак бези саратонининг олдини оларкан.

Тарвуз ҳажмининг 6 фоизини қаттиқ модда, қолганини сув ташкил этади ва С витаминининг манбаи ҳисобланади. Унда кўп миқдорда бетакаротин мавжуд. Бундан ташқари тарвуз таркибидаги калий қон босимини туширишда, буйракда тош ҳосил бўлишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, тарвуз таркибида холестерин ва зарarli ёғлар мавжуд эмас.

Унинг таркибида қанд, В₁, В₂, С, РР витаминлари, каротин, органик кислоталар, лектин моддалари мавжуд. Тарвуз шарбати эса фосфор, кальций, магний, темир, калий тузларига бой.

Тарвузнинг қуритилган пўчоқларидан тайёрланган дамлама йўғон ичакнинг яллиғланишини даволашда фойда беради. Озишга ёрдам берибгина қолмай, у парижонхотирликнинг давоси сифатида ҳам қадрланади.

Шарбати ўт пуфак, буйрак ҳамда қовуқдаги майда тош ва кумларни жойидан кўзгатиш ва организмдан ҳайдаб чиқариш хусусиятига эга. Тарвузда қанд фруктоза кўринишида бўлганлиги сабабли уни диабет хасталигига дучор бўлган беморлар истеъмол қилиши тавсия этилади. Юрак ҳамда буйрак касалликлари билан оғриган беморларнинг бадани шижганида тарвуз ейиш жуда фойдалли.

Халқ табобатида тарвуз уруғидан жуда кенг фойдаланилади. Унинг уруғлари яхшилаб сут билан аралаштирилиб, сўнг истеъмол қилинса, бачадондан қон кетишини тўхтатади. Мағизи гижжа ҳайдовчи омиллардан бири.

100 гр. қуритилган тарвуз пўчоғини ярим литр қайноқ сув билан дамлаб, совушига қадар қутилади. Сўнгра дамлама шарбатидан ярим стакан миқдорда кунига 4-5 маҳал ичилади. Бундай муолажа ўткир ва сурункали йўғон ичак яллиғланишида малҳам ўрнини босади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.



Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

Помидорларни узоқ сақлаш учун сирли идишга солиб, устини ёпмай музлаткичнинг пастки тоқчасига жойлаштиринг.

Сабзавотларни темир пичоқда кесиш натижасида ундаги С витамини йўқолади. Яхшиси, ошхонада зангламайдиган пўлат пичоқлардан фойдаланганингиз маъқул.

Линолеумларни ялтираб туришини истасангиз уч ойда бир марта алиф суртиб, сўнг юмшоқ латта билан артиб туринг.

Инсулытга чалинган инсон спиртли ичимликлардан мутлақо узоқ бўлгани маъқул. Акс ҳолда касаллик тез орада қайталаши эҳтимоли бор.

Соч тўкилишининг олдини олиш ва илдизини мустаҳкамлаш учун канакунжут ва бодом ёғи самарали восита ҳисобланади. Хар икки турдаги ёғдан икки ош қошиғини аралаштириб, соч илдизига суриб юрилса, фойдаси тез сезилади.

Тувақдаги гулларни бошқасига кўчириб ўтказишдан олдин унга кўп миқдорда сув қуйилса, 10 дақиқадан сўнг илдизига зиён етказмай осонгина олиш мумкин.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

КЎЗОЙНАК КЎЗНИ АСРАЙДИМИ?


**Феруза КАРИМОВА,
олий тоифали шифокор-офтальмолог:**

— Ёз фаслида кўзларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки кўш нури биз билмаган ҳолда кўзларга таъсир кўрсатиб, салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Яъни агар кўзга тўғридан-тўғри кўш нури тушса, қовоқнинг шиллиқ пардаси яллиғланади. Кўзнинг шоҳ пардаси эса кўшда қаттиқ таъсирланади. Шунинг учун офтобдан ҳимоя қиладиган кўзойнак тақмасдан кўшда узоқ вақт турилса, кўпича кўзнинг фаолияти бузилиб, тез ёшланади.

Катаракта касаллиги туфайли операция қилинган беморлар, шунингдек, кўз ёй пардаси шикастланган ёки операциядан сўнг кўзида бирор бир нуқсон қолган кишилар учун офтобда кўп юриш хавфли. Чунки кўш нури сабабли кўзида турли асоратлар пайдо бўлиши, ҳатто тўр парда куйиб, кўзнинг кўриш қуввати пасайиб кетиши мумкин.

Глаукома касаллиги бор беморларга эса шишаси яшил кўзойнак тақиш тавсия этилади. Бундай кўзойнак кўзнинг нерв тизимига яхши таъсир этиб, кўзнинг ички босимини пасайтиради.

Агар офтобда юргангизда кўзингизда қандайдир нохуш сезги ва оғриқ пайдо бўлса, тезроқ соя жойга ўтинг. Рўмолчани совуқ сувга ёки аччиқ дамланган совуқ кўк чойга ботириб,



кўзингизни юмган ҳолда унинг устига кўйинг. Шуни билинги, бундай нохуш сезгилар орадан 6 соат ўтгандан кейин рўй беради. Агар бу тадбирлар ёрдам бермаса, кўз шифокорига мурожаат этинг.

Бундан ташқари кўш таъсирида қовоқлар ва кўз соққас қизарганда мойчечак, укроп, ялпиз дамламаси (1 стакан қайнаган сувга уларнинг аралашмасидан 1 ош қошиқ кўшиб тайёрланади) билан ювиш керак. Шу дамламаларга пахта хўллаб, кўзга 20 дақиқа давомида оҳиста босилса, янада самарали бўлади.

Кўзга кўш тушмаслиги учун ҳар бир киши нурдан ҳимоя қиладиган кўзойнак тақиши керак. Кўзга тик тушаётган ёки унинг акси тушаётган кўш нурида ён томонлари бўртган ҳимоя кўзойнак тақилса, кўзни янада тўлиқроқ ҳимоялайди.

Мавсум маслаҳати

Кўзойнак танлар экансиз у қулай, қулоққа, бурун қаншарига ботмаслиги, асосийси, кўз олдида линза тўғри ҳолатда туриши, яъни кўзга нисбатан симметрик равишда пешонадан ёноққа томон сал эгилиб туриши лозим. Агар сиз кўзойнакни биринчи марта тақётган бўлсангиз шуни билинги, кўзойнак гардиши кўрув майдонини бироз чегаралайди. Линза орқали кузатилаётган нарсалар гўё қимирлаётгандек бўлади ёки улар бир-бирига қўшилиб кетаётганга ўхшаб кўринади. Сиз бундан асло тавшишланманг, бунга тез ўрганиб кетасиз.

Кўпчилик харид пайтида унинг гардишига эътибор бериб, линзасини эътибордан четда қолдиради. Афсуски, уларнинг кўпчилиги тиббиёт талабларига жавоб бермайди. Сифат ва саломатлик талабларига жавоб бермайдиган маҳсулот харид қилиш эса оптик нуқсонлар, хусусан, аббератсия (линза орқали ўтадиган ёруғлик нурларининг бир нуқтада тўпланмай, ундан сал оғиши)ни келтириб чиқаради. Бу эса кўзнинг чарчаши, бош оғригига сабаб бўлиб, оқибатда кўзнинг кўриш қобилиятини кучсизлантиради. Шунинг учун мутахассис-шифокор кўрсатмаларига амал қилиб, ўзингизга тўғри келадиган, кўзингизни кўш нуридан асрайдиган кўзойнакни ишончли дорихоналар ёки оптик дўконлардан сотиб олинг.

**Камола АҲМЕДОВА
ёзиб олди.**

ҚАРЗ СЎРАГАН ЭДИ

Кўшним мендан кўп миқдорда қарз сўради. Мен унга ўртанмиздаги олди-бердини нотариал идора орқали расмийлаштиришни таклиф қилсам, ҳафа бўлди. Илтимос, қарз шартномасини тасдиқлаш тўғрисида тушунча берсангиз?

**Н. Абдулазизов,
Бўка тумани.**

Фуқаролик кодексининг 273-моддасига мувофиқ қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки шу турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларни хили, сифати ва миқдорига баробар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Қарз шартномаси тарафлардан бирининг талаби бўйича хоҳлаган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин. Қарз шартномаси тасдиқланаётганда нотариус тарафларнинг ҳақиқий истаklarини аниқлаши лозим. Шартномада қарзни қайтариш муддати, жой ва мажбурият бажарилишини таъминлаш усуллари нотариус томонидан тушунтирилганлиги кўрсатилиши лозим. Қарз шартномаси бўйича фойзаларни белгилаш юзасидан шартлар тарафлар томонидан

Фуқаролик кодексининг 734-моддасида кўрсатилган тартибда белгиланади.

**Саволга Бўстонлик туман
1-сон ДНИ нотариус
Зэмзэнгул ДУСЕНОВА
жавоб берди.**

РАСМИЙ НИКОҲ БЕКОР ҚИЛИНМАСА...

Мен биринчи аёлим билан келишмай қолгач, қонуний никоҳимизни бекор қилмай туриб, шаръий никоҳ асосида бошқасига уйлانган эдим. Ҳозирги кунда иккинчиси ҳомиладор. Фарзандимга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади, болага ўз фамилиямни бера оламанми?

Ж. Очилов

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 206-моддасида туғилганликни қайд этиш учун тиббиёт муассасасининг бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномаси, ота-онанинг паспорти ёки унинг ўрни босувчи ҳужжатлар (ҳарбийлар учун ҳарбий гувоҳнома, вақтинчалик паспорт (9-форма), никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёхуд оталикни белгилаш ҳақидаги тегишли шаклдаги ариза тақдим этилиши керак, деб кўрсатилган.

Савол-жавоб

Сиз қонуний никоҳдан ўтмаганлигингиз сабабли, туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, сиз ва шаръий никоҳдаги турмуш ўртоғингизнинг паспортлари, оталикни белгилаш ҳақидаги тегишли ариза билан эр-хотиндан бирининг яшаш жойи ёки бола туғилган туғруқхона муассасаси жойлашган ҳудуддаги ФХДЭ бўлимига мурожаат этишингиз мумкин. Бундай ҳолатда боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви худди қонуний никоҳда турган ота-онадан туғилган боланинг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви каби тўлдирилади, яъни болага тўғридан-тўғри ота-онанинг аризасида кўрсатилган ихтиёрий фамилия берилиб, ота ҳақидаги маълумотлар устуни ҳам айнан ариза асосида ёзилади.

Айрим ҳолларда оталикни белгилашда ота-онадан бири иштирок этмаган тақдирда, унинг аризадаги имзоси белгиланган тартибда (тиббиёт муассасаси, ФХДЭ бўлими, ҳарбий қисм, жазони ижро этиш муассасаси раҳбари имзоси ва гербли муҳри билан ёки нотариус томонидан) тасдиқланиши зарур. Ишончномага асосан оталикни белгилашга йўл қўйилмайди.

**Саволга Наманган вилояти,
Мингбулоқ тумани ФХДЭ бўлими
мудир Шоира АБДУЛЛАЕВА
жавоб берди.**



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ПОЛВОНЛАРИМИЗ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Мўғулистонда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катта детлар ўртасида Осиё чемпиони яқунланди. Китъамизнинг ўндан зиёд мамлакатидан уч юз нафарга яқин спортчи иштирок этган мусобақада юртимиз полвонлари икки олтин, икки кумуш ва бешта бронза медалга жамгарди.

Чемпионатнинг юнон-рум кураши баҳсларида 46 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Илҳомжон Бахромов қозогистонлик Азамат Биссенғалиев, тожикистонлик Фаридун Тиллоев ва хиндистонлик Раҷеш Раҷешни мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони бўлди.

Ёш полвонларимиздан Камариддин Зайниддинов ва Исмоилдин Неъматов кумуш, Далер Раҳматов, Мирзобек Раҳматов ҳамда Жаҳонгирмирзо Нурматов бронза медалини қўлга киритди.

Эркин кураш бўйича 50 килограмм вазн тоифасида Аббосбек Раҳмонов мўғулистонлик Гундсамбуу Базардари, қозогистонлик Мақсад Боймухаммедов ва Корея Халқ Демократик Республикаси вакили Хан Сонг Ким устидан зафар қучиб, олтин медал билан тақдирланди.

Яна бир истеъдодли эркин курашчимиз Санжар Машарипов шоҳсупанинг учинчи погонасига кўтарилди.

Хотин-қизлар ўртасида Х.Норбоева ҳам Осиё чемпионатини учинчи ўринда яқунлади.

Теннис. АҚШда давом этаётган "Atlanta Open – 2013" халқаро турнирида ҳамюртимиз Денис Истомин бош соврин учун курашмоқда. Моҳир теннисчимиз яққалиқлар ўртасидаги дастлабки икки учрашувда словакиялик Лукас Ласкони 6:1, 6:3, бешинчи рақамда сараланган Хитой Тайпейи вакили Йен Хсун Луни 7:5, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга ўтди.

Бокс. Қозогистонда ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда ўнга яқин давлатдан 110 спортчи куч синашди. 91 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Раҳматулла Гафуров финалда мезбонлар вакили Темирлан Увайсовни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

**Интернет манбалари асосида
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Олтин тепа кўчаси, 212а-уйда яшовчи Файман Наилга Гап-раҳмановна номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муассасалар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г – 728. Формати А3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 6973. Баҳо-си келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

123 5